



**БЎЛАЖАК САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИДА
АХБОРОТ-КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.019>

Курбанова Азиза Толибовна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Мазкур мақолада дастурий таъминот тушунчасининг олимлар томонидан талқин этилиши ва унинг таҳлили, санъат ва маданият олий таълим талабаларида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш ва унинг асосий омилларидан бири замонавий дастурий таъминотлардан касбий фаолиятларида фойдаланиб мультимедиа маҳсулотларини яратиш технологияси, “Санъат таълимида ахборот технологиялари” фанини ўқитишни такомиллаштиришда дастурий таъминотнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Таянч тушунчалар: ахборот-коммуникатив компетентлик, санъат ва маданият таълими, ахборот технологиялар, дастурий таъминот, маданий дастурий таъминот, мультимедиа, мультимедиа маҳсулоти.

**SOFTWARE FOR INFORMATION AND COMMUNICATION
COMPETENCE FOR FUTURE ART AND CULTURE WORKERS**

Kurbanova Aziza Tolibovna

*Associate Professor of the State Institute of Art and Culture of
Uzbekistan,*

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)

Abstract. This article describes use of information technology in modern education, competency and analysis of the concept of competence by scientists, their application in the education of art and culture, highlights the use of professional competence in the field of art and culture, the manifestation of professional competence in the field of art and culture, and its features.

Key concepts: modern education, art and culture education, information technology, competence, professional competence, psychological competence, methodological competence, information competence, communicative competence, innovative competence, creative competence

ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У БУДУЩИХ ДЕЯТЕЛЕЙ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА

Курбанова Азиза Толибовна

доцент Государственного института искусства и культуры
Узбекистана, доктор философии педагогических наук (PhD)

Аннотация. В данной статье описывается использование информационных технологий в современном образовании, компетентность и анализ понятия компетентности учеными, их применение в образовании искусстве и культуре, освещается применение профессиональной компетентности в области искусства и культуры, проявление профессиональной компетентности в области искусства и культуры, и ее особенности.

Ключевые понятия: современное образование, образование в области искусства и культуры, информационные технологии, компетентность, профессиональная компетентность, психологическая компетентность, методологическая компетентность, информационная компетентность, коммуникативная компетентность, инновационная компетентность, творческая компетентность

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.


Ахборотлашган жамиятда таълим-тарбия мазмунида эгалланиши талаб этиладиган илмий билимлар, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ғоялар тизимининг таркиб топишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- жамият эҳтиёжлари;
- миллий мерос, буюк алломалар ва етук олимларнинг замонавий методологик қарашлари;
- умуминсоний қадриятлар;
- илмий-техник тараққиёт;
- таълим тизимининг ўзида юзага келувчи, таълим сифати, замонавийлиги ҳамда оммавийлигини таъминлашга қаратилган эҳтиёжлар.

Таълимни ахборотлаштириш – таълим соҳасини услубий ва амалий жиҳатдан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва техник

воситалари билан таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш асосида таълим-тарбия жараёнининг руҳий-педагогик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган жараён бўлиб, илмий–педагогик ахборотлар, ахборот-услубий материаллар ҳамда коммуникация тармоқларининг автоматлашган маълумотлар банкidan фойдаланиш асосида таълим тизимини бошқариш механизмини такомиллаштириш; замонавий ахборотлашган жамият шароитида таълим олувчи шахснинг ривожланиш мақсадларига мос келувчи таълим-тарбия тизими услубиёти, ташкилий шакллари ҳамда таълим мазмуни стратегиясини такомиллаштириш; таълим олувчининг мустақил билим олиш ва ахборот-ўқув, тадқиқот-изланиш ишларини амалга ошириш, ўз фаолиятидаги турли соҳаларда ахборотларни мустақил қайта ишлаш қобилиятларини шакллантириш асосида интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган услубий тизимни яратиш; таълим олувчининг билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг компьютер-тестли тизимини яратиш ва ундан фойдаланишни ўз ичига олади [1].

Ахборотлашган жамият шароитида бўлажак санъат ва маданият соҳасида таълим олувчи шахсини ахборот технологиялари асосида ривожлантириш педагогик, психологик ва дидактик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тизими 1-расмда ҳосил қилинди.



1-расм. Санъат ва маданият соҳаси таълим олувчи шахсини ахборот технологиялари асосида ривожлантириш тизими.

Замонавий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш таълим тизими олдига қўяётган талаблар билан боғлиқликда ўтказилган кўплаб тадқиқотларда

компетент ёндашув таълим мазмуни ва методларини ўзгартиришнинг янги босқичи сифатида кўриб чиқилган. Ана шу нуқтаи назардан кўплаб тадқиқотларда компетенция продуктив ва ижодий фаолият учун зарур ўзаро алоқадор шахсий сифатлар мажмуи, компетентлик эса, маълум соҳага доир бирон-бир муаммони ҳал этишга имкон берувчи шахснинг зарурий компетенцияларни эгаллаганлиги сифатида талқин этилган [2].

Компетенция (лотинча сўз бўлиб, эришаман, тўғри келаман маъноларини билдиради) – субъектнинг мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ташқи ва ички заҳираларни самарали бирга ташкил қила олишга тайёргарлиги, бошқача қилиб айтганда, бу субъектнинг муайян касбий масалаларни еча олишга шахсий қобилиятидир [3].

Н.М.Муслимовнинг фикрича компетентлик инглизча «competence» тушунчасининг луғавий маъноси «қобилият» демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади [4].

Н.В.Тарасова «компетенция» тушунчасини «муаммони ҳал этиш учун билим ва вазият, билим ва ҳаракат ўртасида алоқадорликни таъминлаш имконини берадиган билим, қадриятлар, лаёқатларга асосланган умумий қобилият» сифатида талқин этади [5].

Компетентликнинг турларини тасниф этишга доир хилма-хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Н.А.Муслимов ва М.Б.Уразовалар касбий таълим нуқтаи назаридан компетентликни қуйидаги турларга ажратади:

маҳсус компетенция – етарли юқори даражада ўз касбий фаолиятини эгаллаш, кейинги касбий ривожланишини лойиҳалаштира олиш;

ижтимоий компетенция – биргаликдаги касбий фаолият, ҳамкорликни эгаллаш, ўз меҳнати натижаларига ижтимоий жавобгарлик;

шахсий компетенция – шахсий мустақил акс этиш ва мустақил ривожланиш усуллари, шахснинг касбий деформацияларга қарши туриш воситаларини эгаллаши;

индивидуал компетенция – касб доирасида индивидуалликни мустақил қўллаш ва ривожлантириш усуллари эгаллаш, касбий-шахсий ўсиш, мустақил ташкил қилиш ва мустақил реабилитация қилишга тайёрлик;

асосий компетенциялар – мослашиш ва маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган шахснинг маданиятлараро ва соҳалараро билим, қобилият ва кўникмалари [6].

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олиниши [7].

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим,

малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.


Юқоридаги тадқиқодчилар тажрибаларига асосланган ҳолда, санъат ва маданият ходимларининг касбий компетентлигини шакллантириш муҳим вазифаси юзага келди.

Санъат ва маданият соҳасида касбий компетентлик негизида бир қанча компетенциялар 2-расмда акс этирилган.

Қуйида санъат ва маданият соҳасида касбий компетентлик негизида акс этувчи компетенцияларнинг моҳияти қисқача ёритилади:

психологик компетентлик – касбий жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, ҳамкасблар, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

методик компетентлик – санъат ва маданият таълими жараёнини методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;



2-расм. Санъат ва маданият соҳасида касбий компетенциялар

ахборот компетентлик – бўлажак санъат ва маданият ходимининг касбий фаолиятида фойдаланадиган ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

коммуникатив компетентлик – бўлажак касбий соҳа ва таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, ҳамкасблар ва талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш;

инновацион компетентлик – касбий жараёни такомиллаштириш, таълим ва касбий малака сифатини яхшилаш, касбий жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

креатив компетентлик – санъат ва маданият соҳаси фаолиятига танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эғалигини намойиш эта олиш.

Ушбу натижага кўра санъат ва маданият ходимларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда ахборот-коммуникатив компетентлик асос сифатида қабул қилинади.

Санъат ва маданият ходимларининг ахборот-коммуникатив компетентлиги – касбий соҳада ахборот билан ишлаш, ижтимоий ролларни бажариш, ижодий жараёнларда шерикларга толерант муносабат, оптимал коммуникатив муҳитни яратиш, шахсий ахборот технологияларига эга билимларни ҳаммабоп муҳитга ўгириш, Интернет тармоғида иш бажариш, ички ва ташқи ахборотни бирлаштириш, янги тизимларни ўзлаштириш қобилияти.

Ахборот-коммуникатив компетентликни тизимли компонентларнинг бирлиги сифатида ифодалашни яъни «ахборот билан ишлаш усуллари ўзлаштириш учун зарур бўлган интеграл шахс сифати» деб ҳисоблашди.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда ва психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш ва ахборот-коммуникатив компетентлик концепцияси ва унинг таркибий таркибий қисмларининг таърифи асосида санъат ва маданият олий ўқув юрларида ўқув жараёнида талабаларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини муваффақиятли ривожлантириш педагогнинг инновацион фоолият мажмуасини амалга ошириш муҳим деган хулосага келинди.

Инновацион фаолият ва инновацион технологияларни мазмунига таяниб интерактив таълим асосида педагог раҳбарлигида олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнида санъат ва маданият соҳаси талабаларининг интеллектуал ижодий салоҳияти ривожланиб боради ва уларнинг интеллектуал-жисмоний фаолияти янада юксалади. Бу жараёни муваффақиятли бошқариш учун ҳар бир педагог ёшларнинг

интеллектуал ижодий салоҳиятини оширишда тарбия жараёнининг хусусиятларини ўрганиши, ёшларнинг мустақил фаолият турларини билиши ва уларнинг маънавий интеллектуал ижодий қобилиятларини шакллантириш манбаларини яратиши ҳамда ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ошириш усулларини ишлаб чиқиши зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. О.Д.Рахимов. Ахборотлашган жамият таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар. 9б. 2014й.

2. Ҳайитов О., Н.Умарова. Ёшларда профессионал ўсишга интилишни ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари. – Т.: “TURON-IQBOL”, 2001. – 187 б.

3. Педагогический словарь. / Под. ред. В.И.Загвязинского, А.Ф.Закировой. – М.: Академия, 2008. – 337 с.

4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007. – 315 б.

5. Тарасова Н.В. Мировой опыт реализации компетентностного подхода в профессиональном образовании// Среднее профессиональное образование. – 2007. – №2. – С. 36-38.

6. Муслимов Н.А., Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: Fan va texnologiya, 2013. – 160 б.

7. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013 – С. 9.

8. Умарова Н. Информацион хуружларнинг олидини олишга қаратилган маънавий-маърифий тарғиботнинг самарали усул ва воситалари. // “Армия – давлат таянчи, тинчлик кафолати”. Қуролли Кучлар тизимидаги тарбиявий ишлар органлари ҳамда тарғиботчилар учун услубий қўлланма. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2013. – Б.99-110.

9. Urazova M.B. Frame-based technology as the way of developing students' selfthinking skills in institutes of higher education// European Journal Of Natural History. – London, 2011. – №4. – p. 123–128. образование. – 2007. – №2. – С. 36-38.

10. Тожиев М., Зиёмуҳаммадов О. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. – Т.: МО’МТО’З SO’Z, 2010. – 290 б